

# ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТАЙЁРЛАШ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти  
Мухамедова С.И.

*Аннотация:* Мақолада молиявий ҳисоботларни тайёрлашда хориж андозаларидан фойдаланиш, ҳамда шу асосда ахборот фойдаланувчиларга шафоф маълумотлар бериш тартиблари очиб берилган.

*Калит сўзлар:* Иқтисодиётни модернизациялаш, молиявий ҳисоб, рақамли иқтисодиёт, молиявий ҳисобот, бухгалтерия ҳисоби.

*Аннотация:* В статье описано использование зарубежных стандартов при составлении финансовой отчетности, а также процедуры предоставления прозрачной информации пользователям информации.

*Ключевые слова:* Модернизация экономики, финансовый учет, цифровая экономика, финансовая отчетность, бухгалтерский учет.

*Abstract:* The article describes the use of foreign standards in the preparation of financial reports, as well as the procedures for providing transparent information to information users.

*Keywords:* Economic modernization, financial accounting, digital economy, financial reporting, accounting.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоб ахборотларидан фойдаланувчилар тўлиқ, ишончли молиявий маълумотлар билан ўз вақтида таъминланиши керак. Шу мақсаддан келиб чиққан холда, молиявий ҳисоб фойдаланувчилари, корхонанинг келгусида қандай истиқболларга эгалиги, ўз молиявий ресурсларини унга сарфлашга арзиши ҳамда корхонанинг кредиторлари билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қила олиши, инвестор қўйган маблағлар бўйича фоиз ёки дивидендларни тўлаш имкониятига эгалигини аниқлашга ҳаракат қиладилар.

Бугунги кунда иқтисодиётимизга бозор элементлари ва халқаро тажрибаларнинг тадбиқ этилиб борилиши, барча хўжалик тармоқларини модернизациялаш негзида, уларни ахборот таъминотининг асоси бўлган молиявий ҳисоб ва ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишни концептуал асосларини такомиллаштириш зарурияти юзага келди.

Миллий иқтисодиётимизнинг хусусиятларини ҳисобга олган холда халқаро амалиётда қўлланилаётган ҳисоб тизимига ўтиш зарурати пайдо бўлди. Бошқача қилиб айтганда, рақамли иқтисодиётга ўтиш бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозалар билан интеграциялашувини талаб этади. Шунинг учун фойдаланувчиларга ошкор қилиниши лозим бўлган молиявий

маълумотларнинг ҳажми, мазмуни ва шаклига, шунингдек бухгалтерия ҳисоботининг аудитига нисбатан ягона минимал талабларни қўйиш давр талабидир.

Андозаларнинг қўлланилишини таъминлайдиган, уларни ҳаёт талабларига мослаштирадиган бутун бир тизимни яратиш зарур. Шунинг учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ислохоти рақамли иқтисодиётига ўтишнинг муҳим элементи эканлигига диққатни қаратган ҳолда, корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоботи шаклланишининг қоида ва ёндашувларини мувофиқлаштириш, ташкил қилиш ва чоп этиш мулкдорлар ва сармоядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Молиявий ҳисобот фойдаланувчилар учун мослаштирилган ҳолда содда ва тушунарли шаклда бўлиши керак. Иқтисодий адабиётларда ҳисоб тизимини тартибга солиш учун хорижий давлатлар ҳисоб андозаларидан фойдаланиш зарурлиги тез-тез тилга олиниб турибди. Бундай фикрлар бизнинг минтақавий хусусиятларимиз учун унчалик тўғри келмайди, чунки бизнинг Республикамизда бухгалтерия ҳисобининг маълум тизими таркиб топган. Хорижий давлатларда ҳар бир мамлакат ўзининг миллий андозаларидан фойдаланади. Бу андозалар мамлакат миллий иқтисодиётига хос бўлган хусусиятларни ўзида акс эттиради, чунки содир этилаётган молиявий-хўжалик муомалалари турли давлатларда турлича талқин қилинади.

Барча давлатларда ҳисоб юритишнинг умумий тамойилларига амал қилинади. Республикамизда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, жумладан миллий андозалар, ушбу тамойиллар асосида ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунгача бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Келгусида янги миллий андозаларни ишлаб чиқишда объектив воқелик асосида, миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда иш олиб борилса, яхши натижаларга эришилади, деб ўйлаймиз.

Жумладан, молиявий ҳисоб муаммолари бўйича ўтказган изланишларимиз, аниқроғи, республикамиз аудиторлик фирмалари қатор аудиторлик хулосалари, ҳамда қўшма корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш билан танишиб чиқиш асосида, молиявий ҳисобни юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича қуйидаги йўналишларда муаммолар мавжуд эканлигини эътироф этмокчимиз:

- Чет эл сармояси жалб қлинган корхоналарда баланснинг маҳаллий бухгалтер ва хорижий бухгалтерлар томонидан икки хил тартибда тузилиши ва уларнинг аксарият ҳолларда бир-бирига мос тушмаслиги;
- Шунга мос равишда махсулот ишлаб чиқриш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби соҳасида Республикамиз сармоядорлари ҳамда чет эллик ҳамкорлар ўртасида фарқларнинг мавжудлиги;

- Асосий воситалар амортизациясини ҳисоблаш тартиби турличалиги натижасида махсулот таннархининг кескин ўзгариши;
- Молиявий назоратни ташкил этиш самарадорлигининг пастлиги ва хоказо.

Бир қарашда, юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун мамлакатимизда барча ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилгандек, уларга амал қилинса кифоя, деган фикр туғилади. Ҳақиқатан, янги Низом юқорида айтилган биринчи ва иккинчи муаммоларни, миллий андозалар эса учинчи ва тўртинчи муаммоларни ҳал қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин, лекин қўшма корхоналар амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бу корхоналардаги молиявий ҳисоб муаммолари асосан икки ҳамкор томон молиявий ҳисоб ва ҳисобот тамойилларининг турлича эканлигидан келиб чиқмоқда. Демак, мавжуд Низом ва йўриқномаларга янада аниқлик киритиш, керак бўлса, ўзгартириш зарур деб ўйлаймиз. Масалан, баланс моддаларига, молиявий ҳисоботни тузишнинг асл йўриқномаларига шундай ўзгартиришлар киритиш керакки, токи улар жалб қилинган сармоядорларнинг ортишига хизмат қилсин. Бу шуни англатадики, бугунги кунда корхонанинг ҳисоб сиёсати деган масалага алоҳида эътибор бериш керак. Ҳисоб сиёсати эса молиявий ҳисобнинг ўзагидир.

Бухгалтерия ҳисобида жамиятдаги барча ўзгаришлар акс этади, ҳамда бу ўзгаришларни иқтисодиётга тадбиқ этиш бухгалтерия ҳисоби орқали амалга оширилади, деган фикр билан ёндашилиб, молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асосларини услубий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича ўтказилган изланишларимиз натижасида, юқоридаги муаммоларни ечимини топишда қуйидаги таклифларимизни келтириб ўтамыз:

1) Молиявий ҳисобда халқаро андозаларининг объектив равишдаги афзаллик томонлари кўрсатиб ўтилиши лозим;

2) Иқтисодий мантиқ аниқлигига жиддий эътибор қаратиш;

3) Ҳисобга олиш соҳасида замонавий жаҳон амалиётида тўпланган энг қимматли тажрибалар умумлаштирилиши;

4) Молиявий ҳисоботнинг ҳолислигига, хўжалик юритувчи субъект томонидан миллий андоза асосида мустақил ишлаб чиқиладиган ҳисоб юритиш сиёсатини танлаш ва қўллаш.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисобини марказдан тартибга солиш, унинг асосий қоидаларини ва тамойилларини ишлаб чиқиш, ҳар бир хўжалик субъекти ўзининг бошқарув ва ташкилий-технологик хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни аниқлаштириши зарур бўлади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисобининг давлат томонидан марказлаштирилган ҳолда тартибга солинишининг асосий мақсади, бозордаги барча иштирокчиларнинг манфаатларини бирдек ҳимоя қилиш ва қафолатлаш,

шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳасида фаолият кўрсатаётган профессионал бухгалтерлар ва аудиторлар манфаатини ҳимоя қилиш ҳамда кафолатлаш ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш ва ахборот таъминотининг асоси бўлган молиявий ҳисоб ва ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишни концептуал асосларини такомиллаштириш - инвесторлар, кредиторлар, мол етказиб берувчилар ва бошқа бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланувчилар учун муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидламоқчи бўлганимиз, замонавий молиявий ҳисоботлар тузиш ва уларни тақдим этишнинг концептуал асосларини услубий жиҳатдан янгилаш, молиявий ҳисоб тизимида ҳам ўзига яраша муаммолар мавжуд эканлигидан далолатдир. Бундан ташқари, мавжуд молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизимини янада такомиллаштириш, нафақат инвестицион муҳит ва инвесторлар учун, балки хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари учун ҳам энг асосий кафолатлардан биридир.

### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20.12.2022 йил.
2. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси “ни тасдиқлаш тўғрисида ПФ-6119-сонли Фармони. (*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.11.2020 й., 06/20/6119/1570-сон.*)
- 4.Ширинов, У. А. (2021). Conceptual issues of segmentary audit in communication enterprises. Экономика и социум, (7), 554-558.
- 5.Ширинов, У. А. (2021). Improvement of methodology of auditoral assessment of segmentary accounting and reporting reality in committees providing communication services. Экономика и социум, (5-2), 642-647.1.
- 6.Bondarskaya, O. V., Tukhtabaev, J. S., Akramova, R. R., Saidrasulova, K. B., Shirinov, U., & Kurbanova, Z. T. (2023, April). The Impact of Digitalisation on the Safe Development of Individuals in Society. In *Internet of Things, Smart Spaces, and Next Generation Networks and Systems: 22nd International Conference, NEW2AN 2022, Tashkent, Uzbekistan, December 15–16, 2022, Proceedings* (pp. 299-309). Cham: Springer Nature Switzerland.